


Набий алайҳиссаломнинг соч толалари



11:31 / 17 май 2242

Муҳаммад ибн Сириндан ривоят қилинади:

«Абийдага: «Бизда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Анасдан ёки Анас розияллоҳунинг аҳлидан олганимиз сочлари бор», дедим.

У: «Ундан бир толаси менда бўлиши мен учун дунё ва ундаги барча нарсалардан севимлироқдир», деди».

Бухорий ривоят қилган.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Сартарошнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочларини олаётганини кўрдим. Саҳобалари у зотни ўраб олишган эди. Бирор соч донаси тушса ҳам бирор кишининг қўлига тушишини хоҳлашар эди».

Муслим ривоят қилган.